

**Ҳамдамов О.Н. – ТМИ, катта
илмий-ходим изланувчи**

ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШИНинг ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада Ўзбекистонда молиявий менежментни ривожланишининг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари баён этилган. Корхоналарда молиявий менежмент тизимини ривожлантириш борасидаги кейинги йиллардаги амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилган.

Таянч иборалар: молиявий менежмент, корпоратив бошқарув, акциядорлик жамиятлари, миноритар акциядорлар, хорижий инвестициялар, стратегик бошқариш, корпоратив бошқарув Кодекси.

В статье изложено развития экономического и правового основы финансового менеджмента в Узбекистане. Освещена сущность проводимых экономических реформ последнее время в области развития системы финансового менеджмента на предприятиях.

Ключевые слова: финансовый менеджмент, корпоративное управление, акционерные общества, миноритарные акционеры, иностранные инвестиции, стратегическое управление, Кодекс корпоративного управления.

The article described the development of the economic and legal foundations of the financial management in Uzbekistan. Studied the essence of economic reforms in recent years in the development of financial management systems in enterprises

Key words: financial management, corporate governance, joint stock companies, the minority shareholders, foreign investment, strategic management, corporate governance Code.

Иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг жорий босқичида мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириш бўйича яна бир муҳим босқич бошланганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Кейинги йилларда корхоналарда хусусан, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув асосларини такомиллаштириш, корпоратив бошқарувни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, молиявий менежмент механизмини жорий этиш, мазкур соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда корхона раҳбарларининг корпоратив бошқарувнинг замонавий усул ва принциплари бўйича билим ва кўникмаларини баҳолаш ва мазкур лавозимга қай даражада лойик эканлигини аниқлаш каби бир қанча самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бу соҳада амалга оширилаётган ва истиқболда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар хусусида Мухтарам, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: “Барча акциядорлик жамиятларининг фаолияти тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, натижада 462 та жамиятни ёки уларнинг 43 фоизини тугатиш ёки бошқа

ташкилий-хуқуқий шаклга ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Ўтган йили Германия ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини кенг жалб қилган ҳолда, мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари, банклар ва йирик корхоналарнинг 160 нафардан ортиқ раҳбар ходими корпоратив бошқарув соҳасида малака оширди, уларнинг ярми Германия корхоналарида тажриба ортириди.”[1]

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижалари сифатида, Республикада фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида замонавий бошқарув тизимининг тубдан ўзгараётганлигини таъкидлашимиз мумкин.

Ўзбекистонда молиявий менежмент тизимини вужудга келиши ҳақида қисқача тўхтадиган бўлсак, фикримизча ушбу жараёнлар 2000 йилларга тўғри келиб, бунга асосий сабаб сифатида “Молиявий менежмент” йўналишига доир дастлабки илмий тадқиқот ва изланишлар олиб борилиши, жумладан иқтисодий адабиётларнинг чоп этилиши, молиявий менежмент бўйича олий таълим муассасаларида алоҳида магистратура мутахассисликлари, мазкур йўналиш бўйича етук мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида кафедра ва факультетларнинг ташкил этилиши ва шу кабиларни келтириш мумкин. Умуман олганда мазкур соҳани халқаро амалиётда шаклланиши ва ривожланишига назар ташлайдиган бўлсак, АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатларида дастлаб, ўтган асрнинг 60-йилларига келиб “Молиявий менежмент” мустақил фан сифатида шаклланиб фанга доир дастлабки илмий ишланмалар чоп этила бошлангани, мазкур йўналиш бўйича иқтисодчи олимлар томонидан илмий тадқиқотлар ва изланишлар олиб борилиши кабилар молиявий менежментнинг назарий-иктисодий асосларини пайдо бўлишига муҳим пойдевор бўлганлигини таъкидлаш мумкин.

Республикамида молиявий менежмент тизимини хуқуқий асосларини мустаҳкамланишининг асосий омили бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПФ-4720 сонли Фармони ҳисобланади. Мазкур фармонда акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш мазкур соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиш борасида қўйидаги асосий устувор йўналишлар белгилаб берилган (1-расм).

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, белгиланган ҳар бир устувор йўналишнинг амалиётга татбиқ этилиши акциядорлик жамиятларида замонавий бошқарувни самарали ташкил этилиши ва такомиллашуви учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур устувор йўналишларнинг ҳар бири бўйича мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотларни бошлаб юборилганлиги молиявий менежмент тизимини янада мустаҳкамлаш учун муҳим пойдевор ҳисобланиб, қўйида уларнинг асосий жиҳатлари борасида сўз юритамиз.

Биринчи устувор йўналиш, халқаро тажрибани чукур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб

чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Хусусан, Германия, Жанубий Корея ва Япония сингари давлатларнинг мазкур йўналишдаги тажрибаларини таҳлил қилиш асосида мамлакатимизда қўллаш имкониятлари батафсил ўрганиб келинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда узоқ йиллар давомида давом этган Корпоратив бошқарув Кодексини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш борасида амалга оширилган ҳамкорлик натижаларидан келиб чиқсан ҳолда Давлат рақобат қўмитаси, бошқа вазирлик ва ташкилотлар билан Германия молия вазирлиги, Осиё тараққиёт банки, Европа менежмент ва технологиялари мактаби, Жаҳон банкининг эксперлари ҳамкорлигига мазкур Кодекс бир неча муҳокамалардан ўtkазилиб ва қайта ишланиб, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланди.

**Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув
услубларини жорий этишнинг устувор йўналишлари**

халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш

эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш


акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш

етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш.

**1-расм. Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув
услубларини жорий этишнинг устувор йўналишлари [2]**

Бундан ташқари мазкур Фармонда акциядорлик жамиятлари фаолиятини танқидий ўрганиш, инвентаризациядан ўтказиш, кам рентабелли ва иқтисодий начор акциядорлик жамиятлари фаолиятини тугатиш асосида уларнинг сонини оптималлаштириш масалаларига алоҳида урғу берилган.

Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида иқтисодиёт турли тармоқларида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари сони 2012 йилдаги 1276 тадан 2016 йилнинг олти ойлик якунларига кўра 686 тага камайганлигини кўришиимиш мумкин (2-расм).



2-расм. Акциядорлик жамиятлари сони ва эмиссия қилинган акцияларнинг умумий ҳажми динамикаси [3]

Кейинги 4 йил давомида акциядорлик жамиятлари сони 590 тага камайганлигига қарамасдан, улар томонидан қимматли қоғозларнинг эмиссия ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. 2012 йилда жами акцияларнинг эмиссия ҳажми 9111,5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йилнинг олти ойлик якунларига кўра 3 баробарга ошгани ҳолда салкам 30000 млрд.сўмга етган. Бунга асосий омил сифатида давлат томонидан акциядорлик жамиятлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни эътироф этиш мумкин.

Иккинчи устувор йўналишда, чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш каби вазифалар белгиланган. Акциядорлик жамиятларига хорижий инвестор ва менежерларни кенг жалб этиш, корпоратив бошқарувда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлашда, сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда уни ташки www.interfinance.uz

бозорларга олиб чиқишида уларнинг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек акциядорлик жамиятларининг устав капиталларида давлат активлари ва улушларини қисқартириш ҳисобидан иқтисодиётда давлатнинг иштирокини тубдан камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартағи ПҚ-2327-сонли қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг, шунингдек акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуси 15 фоиздан кам бўлмаслигидан иборат тартиб жорий этиш таклифига розилик берилди [4].

Шунингдек, мазкур Қарорда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуси 15 фоиздан кам бўлган, аввал ташкил этилган акциядорлик жамиятлари ҳам 2016 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда устав капиталида 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда хорижий инвестицияларни жалб қилиш лозимлиги белгиланди ҳамда ушбу талабларни таъминламаган акциядорлик жамиятлари акциядорлик жамиятлари реестридан чиқарилади ва бошқа ташкилий-ҳукуқий шаклларга ўзгартирилиши алоҳида қайд этилди. Жумладан, стратегик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бирламчи қайта ишлаш соҳасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари, шунингдек табиий монополия субъектлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича нархи бошқариладиган ижтимоий аҳамиятга эга товарлар ва хизматларни етказиб берувчилар бундан мустасно эканлигини эътиборга олиш лозим.

2016 йилнинг 1 июлидан бошлаб янги ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутиладиган ҳолатлардан ташқари, фақат хорижий инвесторнинг устав капиталидаги иштироки улуси 15 фоиздан кам бўлмаган тақдирдагина ташкил қилиниши мумкин, яна бир эътиборли жиҳат 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторларнинг акциядорлик жамиятларида уларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида олаётган даромадидан солик тўлашдан озод қилиниши ҳисобланади [4].

Ўз навбатида белгиланган стратегик мақсадларни янада кенгроқ амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни кенг жалб этиш, уларнинг корпоратив бошқарувда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, сифатли, ракобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва уларни ташки бозорларга етказиб беришни ташкил этишда фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, акциядорлик

жамиятларининг устав капиталларидағи давлат активлари ва улушларини қисқартириш ҳисобига иқтисодиётда давлат иштирокини тубдан камайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги 33-сонли Қарори қабул қилинди [5].

Мазкур Қарорга мувофиқ, хорижий инвесторларга акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиш ҳамда устав капиталида иштирокини таъминлаш куйидаги асосий мезонлар бўйича туркумланган:

- устав капиталидаги давлат улушининг камидаги 15 фоизи хорижий инвесторларга сотиладиган акциядорлик жамиятлари сони 25 та;

- устав капиталидаги камидаги 15 фоиз улуси, шу жумладан қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан, хорижий инвесторларга сотиладиган акциядорлик жамиятлари сони 64 та;

- ишлаб чиқариш ва стратегик хом ашёни дастлабки қайта ишлаш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи акциядорлик жамиятларининг, шунингдек табиий монополиялар субъектларининг ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматларни тартибга солиб бориладиган нархлар бўйича етказиб берувчи акциядорлик жамиятлари сони 262 тани ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хўжалик бошқарувчи органлари ва акциядорлик жамиятлари муассислари билан биргаликда, ўзларининг устав капиталида хорижий инвесторларни камидаги 15 фоиз миқдоридаги улушлар билан қатнашишга жалб этишни белгиланган муддатларда таъминламаган акциядорлик жамиятларини бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантириш 2016 йил 1 декабргача қилиб белгиланди.

Пировард натижада эса, акциядорлик жамиятларида хорижий инвестицияларни жалб қилишга доир раҳбар ходимларнинг масъулиятини янада ошишига, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш амалиётини жадаллашувига, бир сўз билан айтганда хорижий инвестицияларни жалб этишга доир кенг кўламли ислоҳотларни янада такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Учинчи устувор йўналишда, эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш белгиланган. Шунга мувофиқ, етакчи мутахассислар томонидан хорижий компаниялар амалиётини чуқур таҳлил қилиш асосида акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди. Мазкур жараённада етакчи хорижий компаниялар бошқарувининг ташкилий-тузилмаси, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимланиши, миноритар акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя тизими ҳамда ички аудит хизмати масъулиятини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тўртинчи устувор йўналишда, акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини

ошириш. Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаганимиздек, акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиша айнан миноритар акциядорлар қўмитасини ташкил этиш, акциядорлик жамиятлари бошқарув фаолиятини назорат қилиш жараёнларида миноритар акциядорлар иштирокини таъминлашга доир ҳуқуқ ва ваколатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жаҳон банки эксперtlари томонидан амалга оширилган бундай самарали ишларнинг натижасини юксак баҳоланганинги алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, 2016 йилнинг якунлари бўйича жаҳон банки томонидан “Бизнес юритиш 2017: Ҳамма учун тенг имкониятлар” (Doing Business 2017: Equal Opportunity for All) номли навбатдаги нашри чоп этилди. Мазкур нашрга мувофиқ 2016 йилда 190 та давлат орасида минотитар инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистон 18 поғонага кўтарилиб 70-ўринни эгаллади (2015-йилда 88-ўрин) [6]. Биргина юқоридаги рақамларнинг ўзи, амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг нечоғлик ижобий самара бераётганлигини кўриш мумкин.

Бешинчи устувор йўналишда, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш. Мазкур вазифа том маънода акциядорлик жамиятлари раҳбар ходимларини бошқарув услублари, принциплари ва ёндашувларини тубдан ўзгартириш долзарб эканлигини белгилаб берди. Корпоратив бошқарув ва менежмент соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва профессионаллик даражасини ошириш тизими니 тубдан ўзгартириш, халқаро стандартларга мувофиқ замонавий корпоратив бошқарув амалиётини жорий этиш, илмий ва услубий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрдаги «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида» ПҚ-2414-сон Қарори қабул қилинди. Бугунги кунда марказ томонидан етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, хорижий тажрибаларни ўрганиш учун ва яқинроқ алоқаларни ўрнатиши мақсадида Жанубий Кореяning Хандонг Глобал Университети, Жаҳон банки ҳамда Германиянинг Берлин шаҳрида жойлашган Европа менежменти ва технологиялари мактаблари билан самарали фаолият юритиб келмоқда.

Юқорида амалга оширилган изланиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда қўйидаги асосий хулосаларни келтиришимиз мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли Фармонининг қабул қилиниши, мамлакатимизда молиявий менежмент тизими, замонавий корпоратив бошқарув асослари, халқаро корпоратив менежмент каби йўналиш ва соҳаларнинг ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда;

- кейинги йилларда акциядорлик жамияти молиявий бошқарув соҳасига доир қабул қилинаётган қатор ҳуқуқий-меъёрий хужжатларнинг амалиётига самарали татбиқ этилиши натижасида бутун жаҳон амалиётида давлатларнинг

бизнесга яратилган шароитлар, бизнесни юритиш ва бошқариш соҳасига доир жаҳон банки томонидан нашр этиладиган “Бизнесни юритиш” нинг қатор рейтингларида Ўзбекистон Республикасини юқори поғоналарга кўтарилиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиш зарур;

- акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни давлат томонидан турли дастаклар ёрдамида тартибга солиниши, акциядорлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш орқали хорижий компаниялар билан узвий алоқаларни йўлга, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида хорижий компаниялар билан бемалол рақобатлаша оладиган даражага олиб чиқишида муҳим омил ҳисобланади.

Ўйлаймизки, келгусида ҳам мамлакатимизда молиявий менежмент тизимини ҳукуқий ва иқтисодий асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соҳага доир илмий ва амалий тадқиқотларни янада такомиллаштириш, хорижий компанияларнинг етакчи мутахассисларини акциядорлик жамиятлари бошқарув жараёнларига кенгроқ жалб қилиш, уларнинг тажрибаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда корхона раҳбарлари ва мутахассисларини етакчи хорижий компанияларда амалий ва назарий малакаларини оширишга муунтазам эътиборнинг кучайтирилиши акциядорлик жамиятларини ҳам иқтисодий ҳам молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Бosh мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2016 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармони.

3. www.csm.gov.uz – Қимматли қофозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг расмий веб сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон қарорининг бажарилиши тўғрисида” ги 33-сонли Қарори.

6. www.worldbank.org/doingbusiness.org - Жаҳон банкининг расмий веб сайти маълумотлари асосида тайёрланди.